

5.100.000 ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА ТАЙЁР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 217 (5310).

5

НОВАБРЬ
СЕШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ҚИРҒИЗИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ
ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Революцион ҳаракатда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг
ғалабаси учун ва жаҳонда биринчи кўп миллилатли социалистик давлат —
Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустақамлаш учун ку-
рашда Қирғизистон ССР меҳнаткашларининг қилган катта хизмати учун,
Ватанимиз душманлари билан жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ва ком-
мунистик қурилишда эришган муваффақиятлари учун Қирғизистон Совет
Социалистик Республикаси Октябрь революцияси ордени билан мукофот-
лансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1974 йил 1 ноябрь.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ЛЕНИНЧА БАЙРОҒИ ОСТИДА

ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА
ҚИРҒИЗИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Қирғизистон Коммунистик партияси
Марказий Комитетига
Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси
Олий Совети Президиумига
Қирғизистон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети,
СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Қир-
ғизистон ишчиларининг, қолхозчиларининг, зиёлиларининг, барча меҳ-
наткашларининг ва ularнинг жанговар авангарди — коммунистларини
тарбия сана — Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси ва
Қирғизистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 50 йил-
лиги билан қизғин табрикландилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли социал ва мил-
лий эркиндик олод бўлган қирғиз халқи совет ҳақиқатининг ақил
онлисида тарихий ғалабаларининг шонли йиллини босиб ўтди.

Ўтмишда Чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси бўлиб феодал
ва патриархал тартиблар ҳукмронлик қилган Қирғизистон Совет
ҳокимияти йиллари мобайнида рус халқининг ва мамлакатимиздаги
бошқа халқларимизнинг қардошларча моҳиди билан қашоқлик ва
ҳуқуқсизликдан озодлик ва тенглик сари, моддий ва маънавий ҳаёт-
ни бериб уриб яшатиш сари гигант қадам қўйди, социалистик дав-
латга эга бўлди, юксак даражада ривожланган Совет Социалистик
Республикасига айланди. Эндликда йирик, кўп тармоқли индустрия
ва юксак даражада механизацияланган қишлоқ хўжалиги Қирғизис-
тон экономикасининг негизини ташкил этмоқда. Республикада иш-
чилар ва меҳнаткашларнинг малякали кадрлари ўсиб етишди,
электр энергетика, рағли металлургия, машинасозлик, электротех-
ника ва приборсозлик сингари саноат тармоқлари вужудга келти-
рилди ва тез суръатлар билан ривожланимоқда. Совет ҳокимияти
йиллари мобайнида саноат маҳсулоти ҳажми 245 баравар ошди.

Республиканинг қишлоқ хўжалиги мислиси ўзгарди. Кучма чор-
вачилик ва энг оддий деҳқончилик ўрнига замонавий социалистик
қишлоқ хўжалиги берпо этилди. Қирғизистон — қўйчилик ва пахта-
чиликнинг, қанд-лавлани, тамаки, жун етиштиришнинг муҳим ра-
йони бўлиб қолди.

Республика меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги йилдан-
йилга ўсмоқда. Социалистик маданияти, халқ маорифини, сан-
адобити ва санъатини ривожлантиришда гоят катта муваффақият-
ларга эришилди. Қирғизистон хотин-қизларининг ҳуқуқсизликдан
ва жабр зулмдан озод этилганлиги социализмнинг улкан ғалабаси-
дир.

Бизнинг бутун мамлакатимизда бўлган каби социалистик Қир-
ғизистонда ҳам юксак сиёсий онглиги, меҳнатга янгича муноса-
батда бўлган, коллективизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар
интернационализм руҳида тарбияланган кишилар авлоди ўсиб
етишди. Қирғизистоннинг уғли ва қизлари Улуғ Ватан уруши йил-
ларида бутун совет халқи билан бирга немис-фашист босқинчи-
ларига қарши қаҳрамонларча жанг қилдилар, фронт учун мамла-
кат ичкарисида фидокорона ишладилар, Ватанга чексиз садоқат-
ларини намойиш қилдилар. Республика меҳнаткашлари халқлар
дўстлигини мустақамлашда, мамлакатимизнинг, ҳар бир совет
республикасининг гуллаб-яшнаши ва куч-қудратининг мустақам
негизи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи экономи-
каси ва маданиятини ривожлантиришда ўзларининг муносиб ҳис-
саларини қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Тарихий 50 йил мобайнида қардош Қирғизистоннинг эришган
муваффақиятлари социалистик тўзумининг, ленинча миллий сиёса-
тининг, СССР халқлари бўзимас дўстлигининг, ularнинг қардошларча
иттифоқи ва ўзаро ердამининг, эркин меҳнат тантанасининг буюк
ўғартирувчи кучга эга эканлигини равшан исбот этмоқда.

Совет Қирғизистонининг муваффақиятлари ленинча партизани-
зинг, унинг жанговар отряди — Қирғизистон Компартиясининг фео-
дализм билан чамбарчас боғлангандир. Қирғизистон Компартияси
республика меҳнаткашларининг коммунистик қурилиш планларини
амалга ошириш йўлидаги курашда бошчилик қилмоқда, ularни совет
ватанпарварлиги ва пролетар интернационализм руҳида тар-
бияламоқда.

Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси ва Қирғизистон
Коммунистик партиясининг эзлик йиллиги биламд сиёсий руҳ ва
меҳнат ғайрати жўш урган, КПСС XXIV съезди қарорлари муваф-
фақиятли амалга оширилган бир азиятда нишонланмоқда. Рес-
публика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга,
совет халқига Мурожаатига жавобан социалистик мусобақани кенг
аж олдирдилар. Улар иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадор-
лигини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш
суръатларини кучайтириш учун фаол курашмоқдалар, тўққизинчи
беш йилликнинг туртинчи белгиловчи йили топириқларини шараф
билан бажаришга қатъий бел боғлаганликларини намойиш қилмоқ-
далар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети,
СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Со-
вети Қирғизистон ССР ишчиларининг, қолхозчиларининг, зиёлиларининг
республика Октябр революцияси ордени билан мукофотланганли-
ги муносабати билан самимий муборакбод қилдилар ва Қир-
ғизистон меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш-
да, коммунистик қурилишда янгича муваффақиятларга эриш-
дилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси!
Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Қирғизистон Коммуни-
стик партияси!

Яшасин социалистик Ватанимиздаги барча халқлар дўстлиги ва
қардошлигининг таянчи — Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқи!

Яшасин коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси —
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ



Суратда: мукофотни топириш пайти.

2 ноябрь куни Фрунзеда Қир-
ғизистон Компартияси Марказий
Комитети ва Қирғизистон ССР
Олий Советининг республика таш-
кил этилганлиги ва Қирғизистон
Компартияси тўзланганлигининг 50
йиллигига бағишланган кўшма
тантанали мажлис бўлди.

Тантанали мажлис ахли ўртоқ
А. Н. Косигин қарорлари билан
кутиб олди. Қирғизистон Компар-
тияси Марказий Комитетининг би-
ринчи секретари Т. У. Усубалиев
Қирғизистон ССР Олий Совети
Президиумининг раиси Т. Кула-
тов, республика Министрлар Со-
ветининг раиси А. С. Суюмбоев,
Қирғизистон Компартияси Марка-
зий Комитети бюросининг аъзола-
ри, иттифоддош республикалар,
Москва, Ленинград шаҳарлари,
Ўрта Осиё ҳарбий округи, Крон-
штадт денгизлари делегацияла-
рининг раҳбарлари, дондор ишлаб

чиқариш илгөрлари, жамоатчили-
к намоёндалари ўртоқ А. Н. Коси-
гин билан бирга президиумга
чиқадилар.

Тантанали мажлис Қирғизис-
тон Компартияси Марказий Коми-
тетининг биринчи секретари Т. У.
Усубалиев очди.

Мана шу шодиба, ҳаяжонли
қунида, — деди у, республика меҳ-
наткашлари ўзларининг бутун
фикри-эқри ва ҳис-туйғу-
ларини улуғ Ленинга, у тузган
Коммунистик партияга қаратмоқ-
далар. Биз Қирғизистон Совет Со-
циалистик Республикасининг гул-
лаб-яшнаши тўғрисида до-
ний диққат-этибор ва ота-
ларга ғамхўрлик қилаётганликлари
учун, қирғиз халқининг порлоқ
бахтли ҳаёти учун КПСС ленинчи

Марказий Комитетига, унинг Сиё-
сий бюросига, КПСС Марказий Ко-
митетининг Бош секретари ўртоқ
Леонид Ильич Брежневга ва Со-
вет ҳукумати ва қўқор миштардор-
чилик сўзларини айтмаиз.

Нотий юбилей тантаналарига
кегелан меҳмонларни самимий
табрикланди.

У Қирғизистон Коммунистик
партияси Марказий Комитети, Қир-
ғизистон ССР Олий Совети Прези-
диуми ва республика Министрлар
Совети топирувиги бинамд рес-
публика ишчиларининг, қолхозчи-
ларини, зиёлиларини, коммуниста-
ри ва комсомолларининг, барча меҳ-
наткашларини катта ва порлоқ
байрам билан қизғин ва самимий
кутлади.

СССР ва Қирғизистон ССР дав-
лат гимнлари янграйди.

Тантанали мажлис қатнашчи-
лари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчи-
лигидаги КПСС ленинчи Марказий
Комитетининг Сиёсий бюросини
баламд руҳ билан фахрий прези-
диумга сайладилар.

Тантанали марш садолари ости-
да уч орденли Қирғизистон ССР
байроғини ҳамда КПСС Мар-
казий Комитети, СССР Олий Со-
вети Президиуми, СССР Министр-
лар Совети ва ВЦСПСнинг эсда-
лик байроғини залга олиб қиради-
лар.

Мажлисда тўпланганлар томони-
дан самимий кутиб олинган КПСС
Марказий Комитети Сиёсий бю-
росининг аъзоси, СССР Министр-
лар Советининг Раиси ўртоқ А. Н.
Косигин нутқ сўзлади.

СОВЕТ ҚИРҒИЗИСТОНИ ЭЗЛИК ЁШДА

Ўртоқ А. Н. КОСИГИН нутқи

Азиз ўртоқлар!
Қирғизистон Совет Социалистик
Республикаси ва Қирғизистон
Коммунистик партияси 50 ёшга
тўлди. Совет Иттифоқи Коммуни-
стик партияси Марказий Комитети
СССР Олий Совети Президиуми,
СССР ҳукумати ва КПСС Марка-
зий Комитетининг Бош секретари
ўртоқ Л. И. Брежнев менга бу-
тун қирғиз халқини, республика-
нинг ишчилари, қолхозчилари, зиё-
лиларини байрам билан қизғин
табриклашни топиридилар. Рес-
публикамизга бўлган табрик
номани Сизларга ўр мамнуният
билан топираман.

Социалистик республика қури-
лишида, кўп миллилатли бутун со-
циалистик Ватаниннинг қудратини
мустақамлашда кураш ва ғалаба-
ларининг шонли йўли босиб ўтди.
Эришилган марралардан туриб
қараганда қирғиз халқининг кела-

жаги тагин ҳам яққол қўришиб ту-
рибди. Ҳар бир совет ишчиси, ма-
млакатимизнинг ҳар бир халқи бу-
тунли қулагидек байрамларда

Совет Иттифоқи қардош халқлари-
нинг дўст ва яншилаган оиласи-
га мансуб бўлиш, ўзини бу оила-
нинг тўла ҳуқуқли ва актив аъзо-
си, деб ҳис этиш, ҳамма учун
муштарак бўлган бахт-содатни,
ҳар бир кишининг ва барча ишчи-
ларнинг манфаатларини, комму-
нистик идеалларнинг тантанасини
қўзлаб меҳнат қилиш ва ижод
этиш нақадар катта бахт эканли-
гини, айниқса, яққол ҳис этади.

Ҳаммаиз шундай қуниларда Со-
вет Иттифоқи халқларини янши-
лаштиратган, ularни уюштириб,
коммунизм қурилишига илҳомла-
тиратган кучининг улуғворлигини
жуда қўқор англаймиз. Совет хал-
қининг синалган жанговар аван-
гарди, давримизнинг ақл-идроки,

шон-шарафи ва виждони бўлган
коммунистик партиямиз ана шун-
дай кучдир.

Коммунистлар барча мамлакат-
лар меҳнаткашларининг қардош-
лик ва дўстлик байроғини, ular-
нинг интернационал бирламдига
байроғини баламд кўтардилар.
Мамлакатимизнинг коммунистлари
бу байроқни ҳақиқат зўр шараф
билан кўтариб бориш билан че-
лакмай, интернационализм тўғри-
сидан маршча таълимоти ҳам
янодий тарзда ривожлантирдилар.

Совет Россиясида улуғ устози-
миз ва доҳиймиз Владимир Ильич
Лениннинг раҳбарлигида ишчилар
синфининг меҳнаткаш деҳқонлар
билан иттифоқи жаҳон револю-
цион практикасида биринчи марта
амалга оширилди. Мамлакатимиз
шароитида бу иттифоқ пролетар
авангардининг миллий чекка ўлка-
лар аҳолисининг қўқилигини таш-

кил этган деҳқонлар билан тузган
иттифоддан ҳам далолат берар
эди. Партия ўз фаолиятида ишчи
ва деҳқонларнинг социализм
ўлидаги синфий кураш революцион
стратегиясини ленинча доно мил-
лий сиёсат билан — барча халқ-
ларнинг озодлиги, тенглиги, дўст-
лиги сиёсати билан узвий разви-
да да бирга қўшиб олиб борди.

Бу сиёсатнинг доғишмандлиги
ва таъсирчанлиги ҳозирги қунида
бутун совет воқелигимизда қўри-
ниб турибди. Бу сиёсатнинг до-
ғишмандлиги ва таъсирчанлиги
Совет Социалистик Республикала-
ри Иттифоқининг улуғворлиги ва
қудратига, жаҳонда пролетар ин-
тернационализм голларининг тан-
танасида, социалистик мамлакат-
лар ҳамдўстлиги таркиб топанли-
гида намоён бўлиб турибди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИНГА

Қизил майдон. Бу майдон со-
вет ишчилари, бутун инсоният
учун озодлик, тинчлик, тараққиёт
рамзи бўлиб қолди. Бу ерда,
мамлакатининг асосий майдонига
Владимир Ильичнинг мавзолейи
жойлашган. Жаҳон пролетари-
атининг буюк қўлоқчиси, дунёда
биринчи ишчи ва деҳқонлар дав-
лати асосини таъмин қилиш
учун ер юзининг барча қитъа-
ларидан сон-саноксиз кишилар
сукут сақлаб бу ерга келадилар.
Ярим аср мобайнида 77 миллион-
дан кўпроқ киши мавзолейни
зиёрат қилди.

Қизил майдонда деярли ярим йил
мобайнида ремонт ва реставра-
ция ишлари олиб борилди. Мана,
В. И. Ленин Мавзолейи зиёрат
қилувчилар учун яна очилди.

2 ноябрь. Соат 11. Кремль со-
ветининг бонги билан ефрейтор
В. Бобилев ва оддий солдат
А. Давидов биринчи постга турди-
лар. Сон-саноксиз одамлар ко-
лоннасида Қизил майдондаги иш-
ларда қатнашган қурувчилар ҳам
бор.

Мавзолейга кириш учун кети
ўзимас навабат улуғ қўлоқчи
ва устоага бўлган мангу меҳр-
муҳаббатнинг ифодасидир. (ТАСС).

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ҚИРҒИЗИСТОН ПОИТАХТИДА
ҲАРБИЙ ПАРАД ВА
НАМОЙИШ

ФРУНЗЕ, 3 ноябрь. (ТАСС
махсус мухбири). Серқуёш Қир-
ғизистон дунёда қувончли бай-
рам. Меҳнаткашлар Қирғизистон
ССР тузилган ва Қирғизистон
Компартияси ташкил этилган қу-
нинг 50 йиллигини тантанали ра-
вишда нишонламоқдалар.

Бутун республика пойтахтининг
аҳолиси ва меҳмонлари марказий
майдонни тўлдирди. Бу ерда
ҳарбий парад ва меҳнаткашлар
намоийши бўлди — СССР, Қир-
ғизистон ССР, барча қардош итти-
фоддош республикаларнинг давлат
байроқлари шамолда қўйлираб,
совет халқининг бўзимас бирли-
гини кўз-қўз қилиб турибди.

Қирғизистондаги тантаналарда
қатнашиш учун келган КПСС Мар-
казий Комитети Сиёсий Бюроси-
нинг аъзоси, СССР Министрлар
Советининг раиси А. Н. Косигин
марказий майдонга чиқканда ҳо-
зир бўлган кишилар уни самимий
кутиб олдилар.

Эрталаб соат ўн. Ўрта Осиё
ҳарбий оғруннинг булималари
бир тенас саф тортиб қимирла-
май турибди. Фанфараларнинг:
«Ҳамма тингласин!» деган маъ-
нони билдирувчи садоси динрай-
ди.

Ўрта Осиё ҳарбий оғрун
қўшларининг нўмондони армия
генерали Н. Г. Яковченко, Қирғизис-
тон Компартияси Марказий Коми-
тети, Қирғизистон ССР Олий Со-
вети Президиуми ва республика
Министрлар Совети номидан май-
донда ҳозир бўлган кишиларни
Қирғизистоннинг барча меҳнат-
кашларининг шонли юбилей билан
табрикланди.

Майдон узра артиллерия салю-
ти гўмбурлайди.

Қўшлар параднинг офицерлар-
нинг қишлар парадини очиб бе-
ради.

Парадин йилга ҳарбий оркестр
туғаллайди.

Театрлаштирилган байрам намо-
ийи бошланди. Ҳозир бўлган
ларнинг кўз ўнгига Қирғизистон
тарихининг саҳифалари бахисол
қонлангандек бўлади: асли тур-
муш, революцион кураш, даст-
лабни беш йилликлар, Улуғ Ватан
уруши, урундан кейинги давр,
республика экономикаси ва мада-
ниятининг раванқи манзаралари
намоён бўлади.

Фрунзедаги тантаналар респу-
блика меҳнаткашлари, барча совет
кишилари ленинчи Коммунистик
партия теварағига маҳкам янши-
лашганликлари, улар комму-
низм идеалларига садоқатли экан-
ликлари, улуғ ватанимиз қудра-
тининг тинимсиз маҳкамлашга итти-
даётганликлари яққол намоён
қилиб кўрсатди.

ОБЛАСТ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 1 НОЯБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ҳўжаликлар, иккинчи стун — тошхиралган пахта, учинчи стун — машина терими, тўртинчи стун — ранолар.

КОЛХОЗЛАР

1. Навоий номили	169,26	128,19	Оққўрғон
2. «Москва»	154,92	156,95	Қўйи Чирчиқ
3. «Октябрь 40 йиллиги»	154,03	163,96	Бўна
4. «Коммунизм»	146,05	141,63	Янгийўл
5. Вотино номили	141,58	123,80	Оққўрғон
6. К. Маркс номили	140,76	109,54	Оққўрғон
7. К. Маркс номили	139,12	140,14	Оққўрғон
8. «Ленинград»	138,25	118,45	Оққўрғон
9. «Ленинград»	135,99	140,88	Оққўрғон
10. Ленин номили	135,77	150,16	Бекобод
11. Калинин номили	135,55	132,44	Оққўрғон
12. «Заря коммунизма»	135,09	164,84	Қўйи Чирчиқ
13. «Ленинский путь»	132,59	140,46	Оққўрғон
14. Х. Олимжон номили	132,52	124,78	Оққўрғон
15. «Партия XX съезди»	132,11	142,89	Бўна
16. Ҳамза номили	132,08	156,41	Бўна
17. «Ленинград»	131,74	158,14	Қўйи Чирчиқ
18. Навоий номили	131,66	130,86	Бекобод
19. «Узбекистон»	130,90	138,88	Оққўрғон
20. Ҳамза номили	130,89	158,90	Қўйи Чирчиқ
21. Димитров номили	130,80	144,31	Қўйи Чирчиқ
22. «Коммунизм»	129,75	111,20	Оққўрғон
23. «Ленинград»	129,62	113,88	Оққўрғон
24. Свердлов номили	129,01	145,10	Қўйи Чирчиқ
25. «Победа»	128,99	140,15	Бекобод
26. «Правда»	128,63	127,21	Оққўрғон
27. «Ленинград»	128,47	160,26	Янгийўл
28. Охунбоев номили	127,60	137,39	Чиноз
29. «Космос»	126,59	129,53	Чиноз
30. Н. Низоёв номили	124,87	127,78	Янгийўл
31. Ленин номили	124,82	129,27	Пискент
32. Ленин номили	124,60	141,92	Қўйи Чирчиқ
33. Киров номили	124,51	139,56	Чиноз
34. Ленин номили	124,47	130,32	Ўрта Чирчиқ
35. «Партия XXII съезди»	124,12	110,00	Оққўрғон
36. «Победа»	123,43	154,34	Қўйи Чирчиқ
37. Свердлов номили	123,35	113,13	Оққўрғон
38. Терешкова номили	122,84	117,68	Ўрта Чирчиқ
39. Ким Пен Ха номили	122,42	141,98	Ўрта Чирчиқ
40. Ленин номили	122,23	128,75	Янгийўл
41. Тимирязев номили	122,05	118,76	Бўна
42. Энгельс номили	121,27	142,37	Қўйи Чирчиқ
43. «Коммунизм»	121,13	130,38	Бўна
44. «Коммунизм»	121,00	130,18	Бекобод
45. Дзержинский номили	120,83	122,15	Бекобод
46. К. Маркс номили	118,91	142,88	Чиноз
47. «Ленинград»	118,47	122,89	Бўна
48. Жданов номили	117,72	126,40	Янгийўл
49. Навоий номили	117,67	123,25	Чиноз
50. «Партия XXII съезди	117,20	127,70	Ўрта Чирчиқ
51. «Москва»	117,16	125,70	Чиноз
52. Х. Турсункулов номили	117,02	62,34	Янгийўл
53. «УзССР 30 йиллиги»	116,57	161,25	Чиноз
54. «Партия XIX съезди»	115,78	124,81	Бўна
55. Куйбисhev номили	115,56	91,12	Оққўрғон
56. «Ленин йўли»	115,34	114,71	Ўрта Чирчиқ
57. «Интернационал»	115,02	116,36	Янгийўл
58. «Ленин йўли»	114,96	105,75	Бўна
59. Охунбоев номили	113,86	114,05	Оққўрғон
60. «Октябрь 40 йиллиги»	113,74	114,93	Чиноз
61. «УзССР 50 йиллиги»	113,45	121,35	Пискент
62. Ҳамбул номили	113,25	109,41	Бўна
63. Киров номили	113,13	142,60	Қўйи Чирчиқ
64. Охунбоев номили	112,42	137,34	Ўрта Чирчиқ
65. Калинин номили	111,99	135,19	Янгийўл
66. Илҳон номили	111,92	110,74	Бўна
67. «Ленинград»	111,19	123,42	Ўрта Чирчиқ
68. «Северный маяк»	110,99	120,27	Бўна
69. Охунбоев номили	110,72	109,14	Пискент
70. Тельман номили	110,04	117,16	Пискент
71. Свердлов номили	109,92	106,64	Пискент
72. К. Маркс номили	109,37	114,72	Бўна
73. Свердлов номили	108,32	129,61	Ўрта Чирчиқ
74. Фрунзе номили	108,18	108,76	Янгийўл
75. «Гулистон»	107,34	108,79	Пискент
76. Энгельс номили	106,47	162,92	Чиноз
77. Фрунзе номили	106,28	107,00	Бўна
78. Калинин номили	105,50	104,50	Пискент
79. Энгельс номили	105,23	113,33	Ўрта Чирчиқ
80. «Озо»	102,61	106,93	Оққўрғон
81. К. Маркс номили	100,74	102,03	Ўрта Чирчиқ
82. С. Раҳимов номили	98,25	128,17	Чиноз
83. Куйбисhev номили	97,64	104,81	Ўрта Чирчиқ
84. «Партия XXI съезди»	94,21	143,75	Янгийўл
85. «Коммунизм»	93,91	102,95	Ўрта Чирчиқ
86. Миячурин номили	93,63	85,32	Бўна
87. Иромо номили	83,58	91,55	Ўрта Чирчиқ

СОВХОЗЛАР

1. Волков номили	151,40	177,00	Қўйи Чирчиқ
2. «Коммунизм»	146,53	154,78	Қўйи Чирчиқ
3. Свердлов номили	140,89	181,00	Янгийўл
4. «УзССР беш йиллиги»	134,86	128,62	Қўйи Чирчиқ
5. «Кўрол»	129,39	118,88	Бўна
6. «Партия XXIV съезди»	127,68	83,33	Чиноз
7. 2-«Давларзин»	126,79	136,41	Бекобод
8. Обид номили	126,49	125,82	Бекобод
9. Сабиров номили	125,64	136,78	Оққўрғон
10. «Давларзин»	118,93	134,41	Бекобод
11. 1-«Оққўрғон»	118,40	124,53	Оққўрғон
12. ТННМСХ ўқув хўжалиги	118,39	121,91	Ўрта Чирчиқ
13. 1-«Давларзин»	114,33	113,76	Бекобод
14. Калинин номили	110,30	101,07	Ўрта Чирчиқ
15. «Бўна»	109,28	111,64	Бўна
16. 2-«Пискент»	108,46	100,03	Пискент
17. 4-«Давларзин»	108,06	112,39	Пискент
18. 1-«Пискент»	107,39	101,72	Бекобод
19. «Янгйобод»	103,33	79,00	Чиноз
20. Киров номили	101,68	90,79	Ўрта Чирчиқ
21. «Ленинград»	95,18	42,00	Бекобод

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

«Билимлар уйи»га йирилган. 57 кун давомида 6300 километрлик йўл босиб Атлантика океанини муваффақиятли сузиб ўтган эди. Учрашув қатнашчиларида у океан оша сузиш давомида рўй берган воқеаларини ҳамшаҳарларимизга сўзлаб берди. Сўхбат давомида хўжатли фильмлар ҳам намойиш қилинди.

А. РҲЗИЕВ.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 4 НОЯБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — ҳалқ хўжалик план тошхирлиги, (тонна ҳисобида) учинчи стун — бир кунда тошхирилган тонна, тўртинчи стун — план-тошхирлигининг бажарилиши (процент ҳисобида)

Пискент	925	10	105,3
Оққўрғон	1240	25	102,0
Оққўрғон	2290	—	101,7
Қўйи Чирчиқ	8490	—	100,0
Чиноз	790	—	92,3
Янгийўл	1260	2	92,1
Бекобод	11530	75	84,4
Ўрта Чирчиқ	8620	215	83,1
Бўна	2855	24	81,2
Область бўйича	38000	351	89,8

ЭКСПОНАТЛАР КўПАЙДИ

Ўзбекистон ССР ҳалқ хўжалик ютуқлари выставкисининг иккинчи павильонини шу кунларда томошабинлар билан галлук бўлмоқда. Павильонлардан бирида саноат, транспорт, алоқа, химия ва энергетикага оид экспонатлар кўйилган. Выставкада келганлар иккинчи павильонда намоиш қилинаётган ҳалқ истеъмоли буюмларини ҳам қизиқиб кўздаб кечирмоқдалар.

Янги павильоннинг бўйиёй арафасида ишга туширилди. Ҳар бири 600 квадрат метр

ЮБИЛЕИ ЖИРМОНИГА

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 4 НОЯБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

(Ҳалқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — машина терими, бир кунлик ўсиш, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Қўйи Чирчиқ	0,34	132,07	0,39	142,65
Оққўрғон	0,09	131,18	—	129,29
Оққўрғон	0,89	129,78	0,96	124,82
Бекобод	0,38	123,22	—	124,44
Янгийўл	0,51	121,66	0,49	127,08
Бўна	0,44	120,44	0,34	123,05
Чиноз	0,25	118,01	0,42	136,23
Ўрта Чирчиқ	0,24	110,93	—	114,25
Пискент	0,19	110,40	0,06	107,06
Область бўйича	0,39	121,03	0,28	124,44

КИТОБ ЖАВОНИГА

Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти филология фанлари доктори Азиз Лоқомовнинг «Беруний ва адабиёт» китобини ўқувчиларга тақдим этди. Китобда буюк олимнинг адабиётга оид фикрлари атрофлича баён қилинган. Нашриёт чоп этган «Қардошлик қўшниси» тўпламига эса РСФСР, Украина, Белоруссия ва бошқа қардош республикалар шонлирининг шеърлари

ЭНГ ҚУЛАЙ КРЕСЛО

Америкалик инженер Жон Дейфук галати бир кресло яратди. Бу икки ўрнили креслода телевизор, магнитофон, телефон, прёминик, соат, кўдон, иккита ёритгач лампа ва дам олиш учун зарур бўлган бошқа хил анжомлар ўрнатилган.

Кресло эгасининг ҳоҳиши билан гидравлик мосламалар воситасида уни исталган ҳолатга келтириш мумкин.

ИККИ ХИЛ МОТОР БИЛАН

Япониядаги «Тойота» концерни янги қам ўрнили енгил машина ишлаб чиқарди. Унга икки мотор ўрнатилган бўлиб, улардан бири электр двигатели, иккинчиси бензинли. Машина шаҳардан тақридан икки қиллирли бензин двигок мотори билан юради. Айни вақтда бу мотор аккумуляторларни зарядлайди. Шаҳарда кириш билан машина қайдоғи бензинли двигокни ўчирди ва у электромобилга айланди. Бунда шаҳар ҳавоси таъсир билан қамроқ заҳарланади.

КИРХОНА-ВАГОН

Швейцариянинг «Бонхатор» фирмасида тамомилла бошқача 1974 йил 7 НОЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕХНАТНАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАЙРАМ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА ВИЛДИРИШ

УЛУГ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИОННИНГ 57 ЙИЛЛИГИНИ ШОНЛИШ КЎНИ, ЯЪНИ 1974 ЙИЛ 7 НОЯБРДА В. И. ЛЕНИН НОМИ МАЙДОНДА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ЛАВОННИНГ ПАРАДИ БЎЛАДИ. ПАРАДАН СЎНГ ЭСА ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕХНАТНАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ УМУМШАҲАР БАЙРАМ НАМОЙИШИ ҲАМ БЎЛАДИ.

БАЙРАМ НАМОЙИШИ СОАТ 11 ДА БОШЛАНАДИ.

Байрам намоийишида иштирок этувчи меҳнатнашлар вакиллари белгиланган пунктларга қорхоналар, муассасалар, таъхилотлар ва ўқув юртлари коллективлари билан бўлиб, В. И. Ленин майдони томон районлар колонналари бўлиб, аниқ маршрутлари асосида уюшқоқлик билан борадилар.

Тахлиф билетлари билан В. И. Ленин майдони томон борушчиларини майдонда ўтказиш мулатти соат 9 дан 45 минут ўтганда тугайди.

Махсус пропускили автомобиллардан ташқари барча транспорт воситаларининг ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон, кўчаларида ва В. И. Ленин проспектида тўхтатилади. Байрам намоийиши тугагач транспорт ҳаракати яна давом эттирилади.

ШАҲАР КОММИССИЯСИ.

ОҚҚЎРҒОН. Район марказида шифохонанинг стоматология кабинети замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда малакали врачлар ишлашади. Фаваз Иброҳимов беморлар хўрматини қозонаётган шифокорлардан. Суратда: Ф. Иброҳимов иш устида.



ОҚҚЎРҒОН. Район марказида шифохонанинг стоматология кабинети замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда малакали врачлар ишлашади. Фаваз Иброҳимов беморлар хўрматини қозонаётган шифокорлардан. Суратда: Ф. Иброҳимов иш устида.

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Олий лига командалари чемпионати финишта яқинлашган сари соври учун кураш кескин тус олмақда. Чемпионатнинг 27 турда бу яна ҳам аққоқроқ сезилди. Пешқадам Киевнинг «Динамо» командаси турнари охирида келатган Кишинёвнинг «Нистру» коллективи устидан 4:2 ҳисобида ғалаба қозониб, тўланган очколар сонини яна иккигача оширди.

Энди динамовчиларнинг олтин медал ошларини учун биттагина очко кифой қилади.	Ю. Д. М. Т. О.
Хўш, кўмуш медал қимматли бўларми? 27 турдага Олессанин «Черноморец» командаси билан Москванинг спартакчилари бу медалга даъвогар бўлиб туришган эди. Шу боседан ҳам улар учрашувини нийоятда кескин ўтди. Спартакчилар ўз маҳоратларини кўрсатиб, «Черноморец» устидан 3:0 ҳисобида муваффақият қозондилар ва турнир жадалининг иккинчи погонасига чиқиб олдилар.	Динамо К 14 11 2 45-17 39
«Нистру» командасининг бу йил олий лига билан хайрлашини маълум. Аммо, биринчи лигага тушадиган иккинчи командаси ҳамон нолмаълум бўлиб турипти. Турнирнинг сўнгги босқичларида келатган ЦСКА командаси Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчиларини қабул қилиб, ғалаба учун жон-жаҳди билан курашди. Аммо учрашувнинг биринчи бўлимида тошкентликлар қўли баланд келди. Ун еттинчи минутда Белов оширган тўпни Федоров мохирлик билан рақиб дарвозасига киритди.	Спартак 12 9 6 32-22 33
Шундан кейин армиячилар ҳеч бўлмаса дуранг натижасига эришайлик деб, кўжум линиясини яна ҳам кучайтирдилар. Майдонга Доросев тушгач, меҳмонлар олдинда тўрт кишилашиб, ҳаракат қилдилар. Ҳаракатлари эса кетмади. 63-минутда Колейкин уч химоячи орасида турлиб, тўпни дарвозага аниқ йўналтирди олди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади.	Черноморец 11 10 6 33-28 32
Бошқа командалар учрашувини ҳам кескин спорт кураши билан	Торпедо 12 7 8 33-24 31
	Динамо М 10 10 7 40-26 30
	Арат 9 10 8 32-25 28
	Зенит 7 14 6 31-37 23
	Пахтакор 9 9 9 41-38 27
	Шахтёр 8 11 8 31-31 27
	Карпати 6 12 9 25-28 24
	Динамо Тб 5 14 8 21-31 24
	Днепр 7 9 11 25-36 24
	ЦСКА 7 9 11 28-33 23
	Қайрат 7 9 11 35-42 23
	Заря 7 9 11 27-38 23
	Нистру 4 8 15 29-52 16

ОЛИЙ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ МУСОБАҚАСИ ҚИЗГИШТАН БЎЛСА БИРИНЧИ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ФУТБОЛЧИЛАРИ УЧРАШУВЛАРИ ЯҚИНЛАШМОҚДА. ОЛИЙ ЛИГАГА ЙЎЛЛАНИШ ОЛТИН «ЛОКОМОТИВ» КОМАНДАСИ ҲАҚИДА ЁЗГАН ЭДИ. КЕЛАСИ ЙИЛДАН БОШЛАБ КЎЧИЛАР ГРУППАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ИККИНЧИ КОМАНДА ҲАМ МАЪЛУМ БЎЛДИ.

Ростов армиячилари сўнгги турда Свердловскининг «Урал» командасини 7:2 ҳисобида мағлубиятга учратди, ва 51 очко тўплади. Уша кун Минскининг «Динамо» командаси ҳам Ивановнинг «Текстильщик» командасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди, тўланган очколарини 51 тага етказган эди. Аммо тўлар нисбати бўлиши армиячилар аҳвали турнирда яна ҳам кескин бўлганлиги учун олий лигага иккинчи бўлиб улар йўлланма олинди.

Алхободнинг «Строитель», Лиепайнинг «Металлург» ва Ивановнинг «Текстильщик» командалари биринчи лигани тарк этишга маълум бўлди.

НИНАСИЗ УКОЛ

Пистолетни эслатадиган бу апаратда илҳа йўқ, аммо унинг воситасида укол қилиш мумкин. «Соғлиқни сақлаш — 74» ҳалқаро кўргазмасида (Москва) намоиш этилган бу мослама ердаги дори қисилган ҳаво таъсирида организмга юборилди.

РЕДАКТОР А. ИСМОИЛОВ.

Фан ва техника

хил кир ювиш машинаси ишлаб чиқарилди. Бир соатда бир ярим тонна кир ювадиган бу машинанинг бошқаларидан фарқи шундаки, у амалда узлуксиз ишлаб олади; унинг қабул пунктига бир ёзда кир солинади, иккинчи томондан эса тоза ювилган кийим-кечак олинади. Кири ювиш керакни тўқиз босқичли бўлиб, ҳар бири тупнели эслатувчи машинанинг алоҳида бўлимида бажарилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12:00 — МОСКВА. 17:25 — ТОШКЕНТ. 17:35 — Жондорлар — менинг дўстларим. 18:10 — Теточер. 18:20 — «Ахборот». 18:35 — Мамлакат тарим. 18:10 — Телеочер. 18:20 — Абдий биргаси. 19:35 — «Ахборот». 19:50 — Кошкерт. 21:30 — МОСКВА. «Вақт». 22:00 — Футбол. «ДИНАМО» (Киев) — «ЭНТРАХТ» (Франкфурт) ИККИНЧИ ПРОГРАММА. МА. 10:30 — ТОШКЕНТ. 10:55 — «Дом тайер». 11:25 — Енар тоғ казинаси (бадий фильм). 17:25 — МОСКВА. 19:20 — Янгилар. 19:30 — Кошкерт. 21:30 — Тошкент. 22:00 — Истеъод ва мух. лислар (бадий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19:00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 19:40 — Эсини шинели чол (бадий фильм). 20:20 — Ўқув кўрсатуви. 21:00 —
--